

## РИВОЖЛАНГАН МАМЛАКАТЛАРДА ДАВЛАТ БОШҚАРУВИДА АКТ ЛОЙИХАЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ .

*Жўраев Воҳид Тоҳсимамаатович*

*Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)*

*Сайдахмедов Музаффар Қодирович*

*Фаргона давлат университети амалий математика*

*йўналиши 2-курс магистранти*

**Аннотация:** Ушбу мақолада ривожланган мамлакатларда давлат бошқарувида АКТ лойиҳаларини жорий этиш, ахборотни оммавий бериш, ривожланган мамлакатлар тажрибаси, электрон маъмурият, бошқарувнинг электронлаштирилиши ҳақида маълумот берилган ва таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар:** электрон маъмурият, бошқарувнинг электронлаштирилиши, Интернет, давлат бошқаруви, электрон демократия (e-Democracy), электрон овоз бериш (voting)

Маълумки, ҳозирги пайт бутун дунёда илмий тадқиқотлар, замонавий ахборот технологиялари, стартап ғоялар, компьютер саводхонлигига алоҳид эътибор берилади. Зеро, мамлакатни тараққий эттириш, иқтисодий жиҳатдан юқори натижаларни қўлга киритиш илм-фан ютуқлари, янги технологиялар билан боғлиқ.

Маълумот ўрнида айтиш лозим, Алоқа соҳасидаги ҳудудий ҳамдўстлик (АСХХ) ташкил топгандан буён ўтган 31 йил давомида АСХХга аъзо давлатлар Алоқа маъмурияти раҳбарлари кенгаши ва МДХга аъзо давлатлар АСХХ ҳузуридаги Ахборотлаштириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш раислигига Россия Федерацияси Алоқа маъмурияти раҳбари сайлаб келинган.

Тарихда илк бор ушбу масъулиятли лавозимга бир овоздан Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири Шерзод Шерматов лойиқ деб топилди. Вазиримиз 3 йил муддатга сайланди.

Тадбирнинг яна бир ёрқин ва муҳим янгилигид - Самарқанд вилояти Нуробод туманида “**IT-Village**” мажмуаси очилиши бўлди. 60 иш жойига эга мазкур корхонада 3 та ўқув хонаси, 8 ўринли турар жой, 15 кишилик конференц-зал, тиббиёт пункти, эко-кинотеатр мавжуд. “**IT-Village**” республиканинг чекка ҳудудларида **IT**-инфратузилмасини ташкил этиш, болаларни азборот технологияларга қизиқтириш ва ўқитиш имконини яратиш, шунингдек, халқаро ва маҳаллий **IT**-тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш, АКТ соҳасидаги янги йўналиш **IT**-туризмни ривожлантиришга қаратилгани билан аҳамиятли.

Эришилган ютуқлар сирасига IT-арк резиденти – “Revotech” ва АКШнинг “Effika Corp.” компанияси ўртасида 2023 йил учун суғурта соҳасида 20 миллион долларлик аутсорсинг хизмати (БПО) кўрсатиш бўйича меморандум имзоланганини ҳам киритиш мумкин. Корея интеллектуал саноат уюшмаси томонидан Рақамли технологиялар ва сунъий интеллектни ривожлантириш илмий-тадқиқот институтига улкан ҳажмдаги маълумотни қайта ишлаш учун илғор “Big Data” ва “BI” дастурий маҳсулотидан фойдаланиш бўйича сертификат тақдим этиш бўйича битимга эришилди. Бу лойиҳага 1,65 миллион доллар ажратилиши кўзда тутилган. Шу билан бирга Хитойнинг “ZTE” компанияси томонидан масофавий хизмат экспорти марказларини зарур техника ва ускуна билан жиҳозлашга моддий кўмаклашиш бўйича 100 минг долларлик битим имзоланди.

Шунингдек, Хитойнинг “Huawei” компанияси ва IT Парк ҳамкорлигида Термиз ва Наманган шаҳарларида 2 та масофавий хизмат экспорти маркази ташкил этиш мақсадида яна 100 минг доллар қийматга эга ҳужжат расмийлаштирилди.

Бир сўз билан айтганда, юқорида келтириб ўтилган рақамлар, имзоланган битим ва ҳужжатлар келгусида нафақат АКТ соҳасини ривожлантириш, балки мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришига ҳам ҳисса қўшади. Давлатимиз ривожланган мамлакатлар қаторидан ўрин олишига хизмат қилади.

Ривожланган мамлакатлар тажрибаси ҳақида сўз юритар эканмиз биз давлат бошқарувида АКТ қўлланилишининг олдинги бўлимдагига қараганда кенгроқ тушунилишига ўтамиз. Ғарбий Европа, Осиёнинг кўпчилик мамлакатларида ва АКШда икки тушунча фарқланади. Бу тушунчалар бошқарувнинг электронлаштирилишини – электрон маъмуриятни ва электрон демократияни тавсифлайди. Электрон маъмурият деганда ахборот ва коммуникация технологиялари асосида фуқароларга ҳар хил ижтимоий хизматлар кўрсатилиши тушунилган ҳолда кўпчилик ривожланган мамлакатларда шунингдек электрон демократия тушунчасини ҳам фарқлайдилар. Етарлича кенг бўлган ушбу таъриф билан сиёсий таъсир кўрсатилишини ва рақамли ахборотдан фойдаланиш мумкинлигини ва унинг очиқ-ошкоралигини, Интернет тўғрисида давлат ва жамоатчилик институтларининг иштироки билан фуқаролар ва ташкилотларнинг жамоатчилик фикрини шакллантириш жараёнларида демократик иштирок этишини белгилайдилар. Бунда электрон демократия аввал бошданок электрон маъмурият билан биргаликда давлат бошқарувида АКТнинг марказий элементи сифатида қаралиши керак деб ҳисобланади. Башарти дастлаб фуқароларга фақат электрон хизматлар кўрсатилишига эътибор жамланадиган бўлса, демократик иштирок этиш воситаларининг кейинчалик жорий этилиши анча қийин кечади.

Австралия ва Янги Зеландияда барча даражалардаги ҳокимият органлари ишида Интернетдан, ахборот ва коммуникация технологияларидан фойдаланиш ҳозирнинг ўзидаёқ салмоқли натижаларига олиб келди. Кейинги беш йил биринчи босқичда давлат бошқарувида АКТ тизими қандай ривожланиши мумкинлигини яққол кўрсатди. Бунда асосий эътибор ҳукумат ахборотини тарқатиш ва хизматлар кўрсатишнинг самаралироқ ва тежамли усулларига қаратилди. Ушбу вазифа икки жиҳати билан тавсифланади.

Биринчи, Қаранг: Бертельсманн жамғармаси материаллари (Бертелсманн Фондацион) асосий жиҳат ҳукуматдан истеъмолчилар ва фуқароларга ахборотнинг самаралироқ оқимини ташкил этиш билан боғлиқдир. Иккинчи жиҳат Интернет ёки телефон орқали ҳукумат билан ўзаро ҳамкорликнинг хилма-хил турлари учун имкониятларни аста-секин барпо этишдан иборатдир. Австралиянинг федерал ҳукумати 1997 йилда ўз зиммасига олган «2001 йилда барча зарур ҳукумат хизматлари онлайн режимида кўрсатилиши» тўғрисидаги мажбурият муваффақиятли бажарилганлигини эълон қилди. Бош вазир Говард (2002 йил февралда) 1600 дан ортиқ хизматлар ҳозирнинг ўзидаёқ турли ҳукумат муассасалари томонидан онлайн режимида кўрсатилаётганлигини маълум қилди. Асосий соҳаларда ахборот ва хизматлар кўрсатиш даражасини янада ошириш ва улардан фойдаланишни такомиллаштириш учун янги портал ([www.australia.gov.au](http://www.australia.gov.au)) ишга туширилди. Янги Зеландияда давлат бошқарувида АКТни жорий этиш стратегияси 2000 йилда ишлаб чиқиладиган бўлди. Ушбу стратегия бир нечта устувор йўналишларда, шу жумладан ҳукумат хизматларига киришнинг ягона нуқтасини яратишга жамланди ([www.govt.nz](http://www.govt.nz)). Олдинга қўйилган вазифалар орасида қуйидаги вазифалар бор: хизматлар сифатини ошириш, пул маблағларидан самарали фойдаланиш, Янги Зеландиянинг нуфузини кўтариш ва фуқароларнинг давлатни бошқаришдаги иштирокини кенгайтириш. Стратегия қуйидаги уч асосий принципга асосланган эди: қулайлик ва қониқлиқ ҳосил қилиш, интеграция ва самарадорлик, иштирок этиш. Биринчи босқичда тегишли ҳимояланган муҳитни таъминлаш, метамаълумотларнинг келишилган тузилмасини ташкил этиш ҳамда ҳукумат веб-порталини ривожлантириш стратегияси ва йўналишларини ишлаб чиқиш. 2001 йил декабр ойида стратегия амалга оширилган ташаббуслар ҳисобга олинган ҳолда қайта кўриб чиқилди, июль ойида ҳукуматнинг янги портали ўз ишини бошлади. Европада давлат бошқарувида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантиришнинг охириги тадқиқотлари илк тадқиқотлар (2001 йил октябрь) маълумотларига қараганда ўсиш бор эканлигини кўрсатди. 2002 йил апрель ойида тақдим этилган ҳисоботга мувофиқ интернетдаги оммавий сервислардан фойдаланиш ва уларнинг интерфаолиги 10 фоизга ўсган ва 55 фоизга яқинлашган. Европа Комиссиясининг ташаббуси доирасида

ўтказилган «Электрон Европани қиёслаш» («Benchmarking eEurope») тадқиқоти давомида ривожланган мамлакатларда давлат бошқарувида АКТ лойиҳаларини жорий этишнинг ушбу босқичидаги асосий вазифа – эҳтимол «бошқарув»нинг мутлақо янги шакллари жорий этган ҳолда давлат бошқарувининг сифат жиҳатидан янги, янада кучли ва самарали тизимини шакллантиришдир. Европа Комиссиясига аъзо бўлган 15 давлатда ҳамда Исландия, Норвегия ва Швейцарияда йигирмата асосий ижтимоий хизматлар баҳоланди. Шундай қилиб, ривожланган мамлакатлар тажрибаси давлат бошқарувида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантиришнинг навбатдаги босқичига эътиборни қаратиш шак-шубҳасиз эканлиги тўғрисидаги хулосани мустаҳкамлади. Бу босқич ҳозирнинг ўзидаёқ бошланиб кетган. Бугунги кунда фуқаролар ва ҳукумат ташкилотлари ўртасида онлайн операциялари доирасини кўллаб-қувватлаш ва кенгайтиришдан ташқари ҳукуматнинг функциялари ва амалий фаолияти самарадорлигини ошириш учун янги технологиялардан фойдаланиш зарурияти пайдо бўлади.

Янги Зеландия фуқаролари давлат бошқарувида АКТ – одамларга ҳукумат ахбороти ва хизматларидан қулайроқ фойдаланиш, ушбу хизматлар сифатини такомиллаштириш ва фуқароларнинг демократик институтлар ва тартиб-қоидаларда иштирок этишининг кенгроқ имкониятларини таъминлаши учун ҳукумат ташкилотларининг янги технологиялардан фойдаланиш усулидир деб ҳисоблайдилар.

Ривожланган мамлакатларда давлат бошқарувида АКТ лойиҳаларини жорий этишнинг ушбу босқичидаги асосий вазифа – эҳтимол «бошқарув»нинг мутлақо янги шакллари жорий этган ҳолда давлат бошқарувининг сифат жиҳатидан янги, янада кучли ва самарали тизимини шакллантиришдир.

Ривожланган мамлакатлар ҳукуматларида Интернетдан ва вебтехнологиялардан фойдаланишга ўтиш давлат бошқарувида АКТ тизимининг учта алоҳида, бироқ бир-бирига алоқадор элементларини бирлаштиради.

Бу қандай элементлар?

1-элемент – ташкилий самарадорликни ошириш нуқтаи назаридан Интернетнинг бизнес ечими: яъни ҳукумат муассасаларига хусусий секторда майда ва йирик компаниялар фойдаланаётган ташкилий устунликларни бериш учун Интернет ва веб-ечимлардан фойдаланиш – харажатларни камайтириш, маҳсулдорликни ошириш, сифатни яхшилаш.

2-элемент – ахборотни оммавий беришдан (публиш) ва истеъмолчилар/фуқаролар билан ўзаро ҳамкорликнинг оддий шаклларида (интераст) тортиб мураккаброқ транзакцияларгача (transact) кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш учун хизматларнинг истеъмолчиларига ва фуқароларга кўпроқ эътиборни қаратиш.

3-элемент – электрон демократия (e-Democracy) – онлайн маслахатлар (consultation), давлат қарорлари қабул қилинишида онлайн иштирок этишининг бошқа шакллари (participation) ва электрон овоз бериш (voting) воситасида фуқароларнинг демократик жараёнларда ва давлатни бошқаришда иштирокини кенгайтириш учун давлат бошқарувида АКТнинг тармоқли ва бошқа корпоратив ресурсларидан фойдаланиш. АКТ жорий этилишига умумий тайёрликнинг 4 шarti:

- кучли раҳбарлик;
- самарали бошқариш;
- технологиялар мавжудлиги;
- ходимларнинг малакаси

Бунда қуйидаги омиллар барча уч элементнинг муваффақиятли амалга оширилишининг асосий шarti ҳисобланди:

- ривожланиш истикболларининг давлат томонидан умумий тарзда қаралиши;
- стратегиядан уни бажаришга ўтиш учун давлатда амалий ишлар режаси мавжудлиги;
- бошқарувнинг ресурслари ва имкониятларини тўғри тақсимлаш;
- кўламли қайта ўзгартиришларга эмас, балки тизимли қайта ўзгартиришларга қодирлик;
- фаолиятни кузатиб бориш ва натижаларни баҳолаш мумкинлиги.

#### Фойдаланилган адабиётлар.

1. М.Х., Саидов, Тошкент давлат аграр университети “Агрологистика” кафедраси мудири, и.ф.д, проф.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги ПФ-6079-сонли “Ракамли Ўзбекистон -2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора - тадбирлари тугрисида”ги Фармони.
3. **Осипова**, Осипова Олга Петровна, педагогика фанлари доктори, доцент, профессор, “Таълим тизимини бошқариш” кафедраси. Т.И. Шамова, Москва давлат педагогика университети
4. Жураев В. Т. Pedagogical software in the preparation of future teachers of informatics in an innovative environment //Theoretical & Applied Science. – 2020. – №. 4. – С. 182-185.
5. Жўраев В. Т. The Role And Advantages Of Distance Courses In The Innovative Educational System //The American Journal of Social Science and Education Innovations. – 2020. –Т.2.–№. 10. – С. 434-439

6. [Онаркулов, М., Якубжонов, А., & Юсупов, М. \(2022\). COMPUTER NETWORKS AND LEARNING FROM THEM OPPORTUNITIES TO USE. Models and methods in modern science, 1\(13\), 59-62.](#)
7. [Абдулазиз угли, Ю. М., Каримбердиевич, О. М., & Махамдин угли, Ё. А. \(2022\). Алгоритмы распознавания речи и классификация методов распознавания речи. central asian journal of mathematical theory and computer sciences, 3\(10\), 15-19.](#)
8. Каримбердиевич, О.М. (2022). Применение вычислительных методов при разработке программ и их математическом моделировании. Евразийский журнал физики, химии и математики , 12 , 131-134.
9. Internet ma'lumotlar : [www.australia.gov.au](http://www.australia.gov.au) [www.govt.nz](http://www.govt.nz)
10. Saidahmedov Muzaffar Kadirovich  
TA'LIM TIZIMIDA ELEKTRON RESURSLAR VA  
INNOVATSIYALARNI JORIY ETISHNING SAMARALI  
JHATLARI